

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2013 йил
12 июнь
ЧОРШАНБА
№ 48 (12580)

www.th.uz

Тадбиркорлик

Мана, жазирама ёз кунлари бошланди. Бундай пайтда инсон жисми салқин жой ва муздай таому чанқов-босди ичимликларни қўмсаб қолади. Айниқса, музқаймоқ танга роҳат бахш этади, чанқокни босади. Бу роҳат-бахш неъмат нафақат болалар, балки катталарнинг ҳам жони-дили.

Иссиқ кунларда одамлар кўнглига йўл топишни истаган Ғайрат Каримов раҳбарлигидаги "Шоҳона бизнес-класс" масъулияти чекланган жамияти 2009 йилдан бошлаб музқаймоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Дастлаб 11 киши билан иш бошлаган корхона ўтган йилга келиб, ишчилар сонини 23 кишига етказди. Чунки, 195 минг 700 АҚШ долларлик кредит ҳисобига янги линия ишга туширилди.

Ҳозирги кунда 8 хил музқаймоқ ишлаб чиқарилмоқда. Шуниси қувонарлики, маҳсулотлар Бекобод ва атроф туман-шаҳарлардан ташқари Гулистон, Жиззах, Қўқон шаҳарлари ва пойтахтимиз савдо дўконларига ҳам етказиб берилмоқда.

– Хитойдан 100 минг долларлик янги ускуналарни олиб келиб ўрнатимиз, – дейди МЧЖ раҳбари Ф. Каримов. – Натижада яна 18 киши иш билан таъминланади ва 3 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Келгусида ишловчиларни 80 кишига етказиб, яна ичимлик ва шарбатлар ҳам ишлаб чиқаришни мўлжаллаб турибмиз.

Корхона маиший хизмат касбхона коллежининг эски, ташландиқ биносида фаолият юритмоқда.

– Фойдаланаётган иншоотларимизга ижара асосида ҳақ тўлаяпмиз, – дея давом этади корхона раҳбари. – Хукуматимизнинг тегишли қарорига асосан ушбу бинолар "0" балансида бизга берилса, уларни капитал таъмирлаб, юқоридаги мўлжалимизни амалга ошириш имконияти туғилган бўларди. Бу ҳақда Давлат мулк қўмитасига мурожаат қилганмиз, ammo ижобий жавоб олганимиз йўқ.

Каримкул МАВЛОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

БЕКОБОД МУЗҚАЙМОҚЛАРИ

қўшни вилоятлар аҳолисига ҳам манзур бўлмоқда



ҚОЗОФИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ташрифига биноан 2013 йил 13 июнь кунини Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев расмий таширф билан Тошкент шаҳрига келади.

Икки давлат раҳбарлари ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Музокаралар якунлари бўйича Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани, шунингдек, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида ўзаро манфаатли ва кенг қўламли муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган бошқа ҳужжатларни имзолаш мўлжалланмоқда.

2013 йил – Обод турмуш йили

ҲАММАСИ ЎЗИМИЗ УЧУН

"Тошкент ҳақиқати" газетаси "Вилоят ҳокими топириқлари қандай баҳарлаяпти?" руқни остида жойларда каровсиз қолаётган йўл, кўча, хиббон, истироҳат болғари, қабристонларнинг аянчли аҳоли хусусида танқидий мақолалар бериб бораётгани бизнингча, аини муддао бўлди.

Матбуотнинг бундай чиқишлари ҳеч қачон беиз кетмайди. Холис, беғараз танқид айрим лоқайд раҳбарлар, қолаверса, маҳаллий ўзини ўзи бошқарган идоралари мутасаддилари ва фаолларига туртки бўлиб, жойларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, саранжом-сариллаштириш ва умуман, экологик тозаланиш сақлаш ишлари янада жонланишига нафи тегиши шубҳасиз. Хусусан, биз ҳам газетанинг янги руқни остида

(Давоми 2-бетда).

"Универсиада – 2013"

СПОРТ ЧЎҚҚИЛАРИ САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ

Вилоятимизнинг "Универсиада – 2013" терма жамоаси Бухорода бўлиб ўтган талабалар спорт ўйинларидан учта олтин, тўққизта бронза – жами 12 та медаль билан қайтди.

Спортчиларимизни Тошкент темир йўл вокзалида тантана билан кутиб олган вилоят ҳокимлиги, жамоат ташкилотлари вакиллари, машҳур спортчи ва мураббийлар вакилларимизни медаллар шодаси билан қизгин табриқлаб, келгуси мусобақаларда янада улкан зафарлар тиладилар. Бу йилги универсиада ўйинларида вилоятимиз олий ўқув юрти талабалари спортнинг 12 тури бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

– Республикаимизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган талаба-спортчилар уч кун давомида катта тайёргарлик билан келганларини намойиш этишди, – дейди стол теннисчиси Алия Исмоилова. – Шу боис мусобақалар мурасасиз кечиб, юқори ўринларни эгаллаш жуда катта куч ва маҳорат талаб этди. Аммо, мен ҳар галигидек, бор тажрибамни ишга солидим ва олтин медални кўлга киритиб, мақсадимга эришдим.

Даврон АХМАД
олган суратлар.



«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

Газетанинг 2013 йил 4 май сонидида фойдаланилган табиий газ ва электр энергияси ҳақини вақтида тўламай, катта қарздорликка йўл қўётган раҳбар ходимлар рўйхати куйидаги сарлавҳа остида эълон қилинган эди. Таҳририят Бекобод туман ҳокими ўринбосари Ф. Мўминов имзоси билан танқидий мақола юзасидан жавоб хати олди.

«СИЗНИ ҲУРМАТЛИ РАҲБАР ДЕЙИШГА ТИЛ ОЖИЗ!»

Унда шундай дейилади:

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2013 йил 4 майдаги 37-сонидида "Сизни ҳурматли раҳбар дейишга тил ожиз!" сарлавҳали мақолада Бекобод туманидаги раҳбарларнинг электр энергиясидан қарзлари кўрсатиб ўтилган.

Маъмур масала туман ҳокимлиги аппарати йиғилишида муҳокама қилинди. Йиғилишда "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Б. Каримов, туман йўл ҳужалиги корхонаси муҳандиси С. Жа

лилов, "Қўштамғали" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Х. Маматкаримов ва электр энергияси ҳамда табиий газдан қарзи бўлган бошқа ташкилот раҳбарларининг қарздорликка йўл қўйганлари сабаблари жиддий муҳокама қилиниб, улардан қарзларини тўлиқ ундириш чоралари кўрилди. Юқорида исм-шарифлари келтирилган раҳбар ходимларнинг 2013 йил 23 май ҳолатига электр энергиясидан қарзлари тўлиқ ундирилди.

Қарор ва ижро

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА АСОСИДА

Мустақиллик йилларида ўзбек дзюдочилари спорт оламининг энг нуфузли мусобақаси – Олимпия ўйинларида тўртта медални кўлга киритди. Бу мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳномалигида спортни, жумладан, дзюдони ривожлантиришга қаратилган улкан эътибор самараларидандир. Дзюдочиларимиз

– Лондонда ўтган XXX ёзги Олимпия ўйинларида олти дзюдочимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилди, – дейди А. Багдасаров. – Икки қарра жаҳон чемпиони Ришод Собиров бронза медални кўлга киритди.

2012 йил ўзбек дзюдочилари учун анча омадли келди, деб айтиш мумкин. Франциянинг Париж шаҳрида ўтган "Катта дубулга" турнирида Ришод Собиров ва Дилшод Чориев олтин медалга сазовор бўлди. Бундан ташқари, вакилларимиз "Мастерс" ва "Гран-при" туркумидаги кўплаб мусобақаларда голиб ва совриндорлар сафидан жой олди.

Мамлакатимизда дзюдони ривожлантириш, моҳир спортчиларни тайёрлаш борасида амалга оширилаётган изчил ишларни ва замонавий

шарт-шароитларни юқори баҳолаган Халқаро дзюдо федерацияси кўплаб нуфузли мусобақаларни Ўзбекистонда ўтказишни маъқул кўрмоқда. Жумладан, 2010-2012 йилларда Тошкент шаҳри икки бор жаҳон кубоги ва Осие чемпионатига мезбонлик қилди, 2013-2016 йилларда ҳам "Гран-при" туркумидаги мусобақаларни ўтказиш белгилаб қўйилгани Ўзбекистон жаҳоннинг етакчи спорт марказларидан бирига айланидан далолатдир.

Бу каби мусобақаларнинг Ўзбекистонда ташкил этилиши дзюдонинг мамлакатимизда янада оммалашшига хизмат қилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда 15 минг нафардан зиёд йигит-қиз дзюдо билан мунтазам шуғулланмоқда. Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва ви-

лоятларимиздаги олимпия захиралари коллежларида ўғил-қизлар малакали мураббийлардан дзюдонинг сирасорини пухта ўзлаштирмоқда. Бу мамлакатимиз олимпия захирасини иқтидорли ёшлар билан тўлдириб боришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро (Бразилия)да бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги қарорига биноан мазкур Олимпиадага тайёргарлик ишлари изчиллик билан давом эттирилмоқда.

(Давоми 4-бетда).

Пилла – 2013

«КУМУШ ТОЛА» ЖИЛОСИ

Вилоят пиллакорлари қабул пунктларига 1555,2 тонна "кумуш тола" етказиб бериб, контрактация шартномасини бажардилар.

Бу йил мавсум бошида фермер хўжалиқларида жами 27 минг 250 қути курт уруғи тарқатилган эди. Ҳозиргача ҳар қути уруғдан ўртача 55,8 килограмдан ҳосил териб олинди.

Бўша ҳамда Чиноз туманлари пиллахоналарга тегишлича 200 ва 140 тонна қимматли хом ашё топшириб, шартномани вилоятда биринчи бўлиб бажарган эди. Шунингдек, Окқўрғон, Пискент, Қуйи Чирчиқ, Урта Чирчиқ ва Янгийўл туманлари пиллакорлари ҳам юқори натижаларга эришди.

Шуниси қувонарлики, ипак курти боқишга жиддий эътибор қаратаётган пиллакорлар мавсумда яхшигина даромадга эга бўлмоқдалар. Хусусан, Бўша туманида 460 фермер хўжалиги 3,5 минг қути ипак курти парваришлаб, ҳар қутидан ўртача 57,2 килограмдан сифатли хом ашё териб топширди. Туманда ҳосилдорликни 70 килограмдан оширган пиллакорлар оз эмас.

Вилоят туманларида пилла терими давом этмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Кишлоқ мулкдорлари



Ҳўжаликда қўшимча тармоқ

"Истиклол" Оҳангарон туманидаги чорроқ фермер хўжаликларидан. 25 гектар экин майдони бор. Унинг ҳам асосий қисми – лалми. Сўғорилодиган 2 гектарда пивз етиштирилади. Бу йил хўжалик камида 40 тонна ҳосил олишни мўлжаллаётти.

Ҳўжалик ҳар йили 20 гектар лалмидан атрофдагиларга нисбатан барқарор бугдой ҳосили олади. Давлат эхтиёжлари учун 35 тонна дон топшириш юзасидан шартнома тузилган. Фермер Тоҳир Эшонбоевнинг айтишича, ҳар йили умумий галла хирмони 50 тоннадан кам бўлмас экан. Шартномадан ортан доннинг бир қисми хўжаликнинг эхтиёжларини бугдой учун ишлатилиб, қолгани аъзоларга тақсимланади. Ҳозир фермер хўжаликларини йириклаштириш ва кўп тармоқли қилиш харакатига эър берилаяпти,

– дейди Т. Эшонбоев. – Ерларимиз лалми бўлгани учун бизнинг имкониятларимиз нисбатан чекланган. Аммо бу бахона бўлмастлиги керак. Биз анчадан бери деҳқон бозоридидаги вазият ва фермер хўжаликларини имкониятини кузатиб, урғани келаяпти. Узимизнинг симиленка олма, йиррик қора гилоснинг ҳам ички, ҳам ташқи бозорда савдо-си чакқон кўриняпти. Шунини ўйлаб, 3 гектарли бот барпо этиш харакатини бошлаяпти. Уёғини вақт кўрсатади.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

"Қишлоқ хўжалигини юритишнинг шундай механизмини яратиш керакки, бу ҳар бир деҳқон ўз меҳнатининг самараларидан мустақил баҳраманд бўлиш имкониятини берсин. Ана шундангина деҳқон ўзини ҳақиқатдан ҳам ернинг чинаяк эгаси деб билади!"

ЮКСАК ҚАДРГА МУНОСИЪ МЕҲНАТ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 1992 йилда нашр этилган "Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли" китобида ёзилган бу сўзлар кишлоқда бозор муносабатларини ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, инсонлар онгида мулкдорлик тушунчалари ва ерга эгаллик туйғусини шакллантириш борасидаги эъту ишларнинг бошланиши эди. Бугун мамлакатимизда ер ўзининг ҳақиқий эгасини топган, фермерлар жамиятимизда етакчи кучга, кишлоққа саноат, ишлаб чиқариш ва тараққиёт олиб кирувчи ташаббускорга айланган.

Фермерлик ҳаракати бошланган дастлабки йилларда унинг келажигига шубҳа билан қараганлар ҳам, бу ишни бирдангина ва осонгина мўмай пул топши манбаи деб ўйланганлар ҳам бўлди. Бундай қараганда фермерлик осондай кўринад: экин экасан-у, ҳосил йигиб олаверасан. Аслида у машаққатли меҳнат, тажриба ва сабр-тоқатни талаб қилади. Одамларнинг риқ-рузи, керак бўлса, тақдир билан боғлиқ масъулиятни зиммага олишнинг ўзи бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 1 апрель кунини бўлиб ўтган Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқидан "Деҳқонлик меҳнати, чекан машаққатини фақат деҳқон билади. Саноат корхонасида ишлаш ҳам албатта осон эмас, лекин ишчи ёки муҳандиснинг иш вақти аниқ. Аммо, айтинлар, деҳқоннинг аниқ иш вақти борми? Агарки шундай меҳ-

да ҳосилдорлик 22 центнердан ошмаган бўлса, бугун бу кўрсаткич 52 центнердан ортди. 2012 йилнинг ўзида вилоятда кишлоқ хўжалиги маҳсулот-

по этди. Боғда экилган нок, олма, гилос каби мева-вали дарахт кўчатларидан мўл ҳосил олинмоқда. – Ҳар бир ишда бўлгани каби фермерликнинг ҳам қийин томонлари бор, – дейди Зангиота туманидаги "Шокарим ҳожи" фермер хўжалиги раҳбари Тўлқин Тўхтаниёзов. – Халқимизда "деҳқончилик бир йилда, чорвачилик қирқ йилда", деган нақл бор. Деҳқоннинг ҳосили бир йил кам бўлса, кейинги йил тўғрिलाши мумкин. Бироқ чорвани озуқасидан, соғлиғидан ўз вақтида хабар олмаганидан, қирқ йилда ҳам қосангиз оқармайди. Чорванинг ортидан қолмадик, кам бўлганимиз йўқ, 2000 йилда 15 бош қорамол билан фермер хўжалиги ташкил этгандик, ҳозир 220 бошга етди. Бундан ташқари, хўжаликка "Қишлоқ қурилиш банк"дан олинган сармома эвазига ўтган йили сутни қайта ишлаш ускунаси харид қилинди. Ҳар кун 5 тонна сут қайта ишланиб, 16 хилда маҳсулот тайёрланиб, болалар боғчалари, касалхона, супермаркет ва бозорларга етказиб берилмоқда. Ўндан зиёд иш ўрни яратилди.

Бўстонлик туманидаги Сойлик кишлоғига йўлингиз тушса, замонавий гузар эътиборингизни тортади. Атрофига қаштан ва атиргуллар экилган, барча қулайликка эга бу сўлим маскан "Сойлик-Азимжон-Нодиржон" фермер хўжалиги кўмағида барпо этилган. Гузарда савдо дўконлари, замонавий ошона ишлаб турибди. Энди кишлоқ ахли уй-жой қуриш ёки таъмирлаш учун қурилиш материаллари излаб шаҳарга бориб юрмайди. Фермернинг савий-ҳаракатлари билан гузарда қурилиш материаллариға иختисослашган дўкон очилди. Чорва учун ветеринария дорихонаси ҳам қишлоқ ахлиға хизмат кўрсатмоқда.

Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан ўзуксиз таъминлаш мақсадида сув минораси барпо этилди. 4 гектарда янги тўздор яратилди, товуқ фермаси қурилди. Хўжалик раҳбари Тохиржон Рустамбоев ердан умумий фойдаланиш мақсадида икки йил аввал 23 гектарда бот бар-

Кўрик-танлов

МАСЛАҲАТЧИЛАР ЁРДАМГА ДОИМ ТАЙЁР

Маҳалла фуқаролар йиғинлари диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг ўз зиммаларидаги вазифалари ижросини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ишларни ўрганиши, уларни рағбатлантириш ва муносиб тақдирлаш, илгор тажрибаларини оммалаштириш мақсадида "Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловини ўтказиш аънанага айланди.



Бу йилги кўрик-танлов "Обод турмуш йили" Давлат дастури ижросига бағишлаб ўтказилмоқда. Шу йилнинг май ойида ўтган танловнинг туман, шаҳар босқичларида вилоят бўйича 719 маслаҳатчи иштирок этди.

Кўрик-танловнинг вилоят босқичида туман ва шаҳарларда ўтказилган тақдирда биринчи ўринни эгаллаган 18 маслаҳатчи учта шарт бўйича голиблик учун баҳс олиб боришди.

Биринчи шартга кўра, ҳакамлар хайъати танлов иштирокчиларининг ҳужжатлари ҳамда улар фаолиятига оид кўрсаткичлар, эришган ютуқларини ҳолиблик таъминловчи асосида қўриб чиқиб, баҳолади. Иккинчи шартга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги

Қонунлари, хусусан, унга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида савол-жавоб ўтказилди. Учинчи шарт бўйича маслаҳатчилар фаолиятига оид, шунингдек, кундалик ҳаётиимизда учрайдиган вазиятлар юзасидан саволларга берган жавоблари, шахсий фикр-мулоҳазалари, ҳушёрқаршлири, ҳозиржавоблиги, тез фикрлаш қобилиятлари эътиборга олинди. Танловнинг ҳамма шартлари бўйича энг юқори балл тўплаган Зангиота тумани "Чинор" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Малика Солижонова, кўрик-танлов голибаси бўлиб, республика танловида иштирок этиш ҳужжатини қўлга киритди. Таъдбирда вилоят хокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

Самед ЙЎЛДОШ, Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат.

Ёз – 2013

МАВСУМ БОШЛАНДИ

Бу йил вилоятимиз оромгоҳларида 1250 нафар Оролбўйи болаларини дам олдирish режалаштирилган. Кеча уларни кутиб олиш ва кузатиб қўйишнинг биринчи босқичи маросими бўлиб ўтди.

11 июнь. Тошкент темир йўл вокзали. Соат чамаси ўнлар. "Тошкент – Урганч" йўналиши бўйича қатновчи электропоезд вокзалга кириб келгани эълон қилинди. Перонда "Ўзбекистон темир йўллари" билан таъминловчи компанияси ва вилоят касаб-ушмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши масъуллари, "Вилояттрансрегионал" департаменти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қорамлик болаларни кутиб олиш ҳамда вилоятимизнинг "Бойчечак", "Коинот" ва бошқа оромгоҳлариға кузатиб қўйиш учун ҳозирлик қўришяпти.

Карнай-сурнай садолари янгради. Оролбўйи болалари вагонлардан бирин-кетин тўша бошлашди. Вагондаги болаларнинг ҳаммаси оромгоҳға келишар-ётган экан, улар билан тезда дўстлашиб кетди, – дейди урганчлик Гулнора Собирова. – Тошкентга қандай етиб келганимизни сезмай қолдик. Қизиғи, янги ўртоқларимнинг ҳаммаси "Бойчечак" оромгоҳида дам олишаркан.

Янги ўқув йилида аъло баҳо-ларға ўқиб, ота-оналаримиз ишончини оқлаймиз. Автономилар тўхташ жойида 40 га яқин "ISUZU" автобуслари тизилиб турибди. Улар Ангрэн туманидаги "Йўлчи", "Коинот" оромгоҳ-ларига 90 нафардан, "Бойчечак"ка 120, "Меҳржон" ором-гоҳиға эса 200 нафар бола-ни олиб, кетма-кет йўлга тушди. – Мана, болаларни соғ-ломлаштириш ва дам олди-риш ёғи мавсумини бошла-дик, – дейди вилоят касаб-ушмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мута-хассиси Равшан Ёқуббоев. – Ўсиб келаётган авлодни маъ-нан ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш мақсадида қатор ташкилотлар билан ҳамкор-ликда ёғи дам олиш мас-канлариға маданий-маърифий кечалар, спорт мусобақалари ўтказишни ният қилганмиз.

Беъзоҳ ҚҲИДОТОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири. Муаллиф олган сурат.



2013 йил – Обод турмуш йили

ҲАММАСИ ЎЗИМИЗ УЧУН

Мусобақа бошланишидан аввал томошабин ва иштирокчиларга саломатликни мустаҳкамлаш ва она табиатни асраш, чиқиндиларни фақат белгиланган жойға ташлаб, атроф-муҳитни мусоффо сақлаш ҳақида тушунчалар бердик. Ўн та хонадон уюлгарини ноўрин чиқинди ташланаётган жойға йиғдик. Чиқиндиларни аралаштириб юбормай, турига қараб, махсус жой-ларға ташлаш кераклигини айтдик. Бақлашқа, елим халта, пластмасса идишларини бир жойға, металл буюм, тунука қо-қоқларни бошқа жойға, шифер, пишган гишт, шиша синикларини алоҳи-да тўплаш, супуриндилар-ни томорқага ташлаш ло-зимлигини уқтирдик. Шун-да ҳар кун кўзимиз туш-ганда гашимиз келадинг, кунлар исиганда кўланса ҳил таратиб, соғлиғимизға зарар етказадиган хунук манзаралар барҳам топа-ди. Кераксиз деб ташлаб юбораятган нарсаларимиз махсус жойға хиллари бил-лан тўпланади, келажакда қайта ишланиб, ҳаётимиз-да фойдаси тегадиган маҳ-сулотларға айланади. Бу-

нинг учун ҳозирча бироқ ҳафсала ва эътибор етиш-маяпти, холос. Биз бу ишларни "ундоқ қилиш керак, бундоқ қилиш керак" деб оғзаки маслаҳат берибгина қолмай, аввал ўз маҳалламизда амалға ошир-дик. Вилоят ЭКОҳаракати раҳбари ва ёрдамчиларини олиб бориб, кўрсатдик. Ма-ҳалламиздан 200 метр на-ридаги 8 та хонадон худу-дида эса бир неча йиллар давомида ҳосил бўлган чи-қиндилар 6-7 та тележаға юк бўлади. Аслида бу чи-қиндининг 5-6 тележағаси тайёр табиий ўғит. Хонадон эгаллари эса икки-уч йилдан буюн шу чиқиндихона ту-файли бир-бирлари билан келиша олмади, судлашиб юришибди. Умуман олганда, бу иш-ларни тартибға солишға мутасадди бўлган давлат санитария-эпидемиология назорати маркази озода-ликни изчил назорат қилиш ўрниға қачонки, юқоридан бирор раҳбар ё текширувчилар келишидан аввал ёки байрамлар ол-дида: "Уйлар олдини то-заланлар, оқланлар, чи-қиндиларни йўқотинлар" деб қуруқ кўрсатма бери-шдан нариға ўтмайди. Чи-қиндилар қаерға олиб бо-риб "йўқ қилинмоқда" бу

билан ишлари йўқ. Қараб-сизки, орадан 10-15 кун ўтиб, аввалгидек чиқинди-лар яна пайдо бўлиб, ўша тартибсиз манзаралар дил-ни хира қилаверади. Биз чиқиндиҳоналар ма-саласиға оид тадбирларим-изға туман ДСЭНМ раҳ-бари Б. Бобоевни доим тақ-лиф қиламиз ёки бирор масъул ходим иштирок этишини сўраймиз. Аммо улар бирор марта бўлсин, иштирок этишмаяпти. Ва-ҳоланки, бу ташкилотда 70 дан ортик ходим ишлай-ди. Агар уларнинг лоақал 20 нафари биз айтаётган-дек, аҳоли ўртасида мун-тазам тушунтириш олиб боришганида, туманимиз миқёсида чиқиндиларни тўплаш ва ташиб кетиш тўғри йўлга қўйилган бўлур эди. Умуман, улар-нинг иш олиб бориш усу-ли биз учун мутлақо тушу-нарсиз.

Кўнгилли югурувчилар мусобақасиға келсак, у ҳар доимгидек жуда қизи-қарли ўтди. Голибларға ва энг ёши уюлгарға туман халқ таълими бўлими ва касаб-ушмаси ташкилот-ларининг етсадик совғала-ри топширилди. Халил ҚАРШИБОВЕВ, меҳнат фахрийси, ЭКОҳаракат фаоли.

Баркамол ёшлар – жамият таянчи



XXI АСР ИҚТИСОДИЁТИГА ЗАРУР МУТАХАССИСЛАР

Ўрта Чирчиқ тумани агросаноат ва транспорт касб-хунар коллежида 1400 йигит-қиз таълим-тарбия олмақда. Мамлакатимизда қиз тилларини ўрганишга берилётган катта эътибор бу коллеж ўқитувчилари зиммасиға ҳам улкан масъу-лият юқлади.

– Чет тилларини чуқур ўрганиш – давр талаби, – дейди инглиз тили ўқитув-чиси Мақсуда Намозова. – Бизнинг ўғил-қизларимиз ҳеч кимдан кам бўлмастли-ги, чет эллик ёшлардан қолшмай, дунёвий илм-ларнинг билимдонини бўлиб етиштирилари керак. Бун-нинг учун яратилаётган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиш ло-зим. Аввало, мактабда олинанидан билим пухта бўлиши керак. Бу йилдан мактабларимизда 1-синф-дан бошлаб чет тили ўқитила бошлайди. Демак, коллежға келадинг мак-таб битирувчилари чет тили бўйича ҳам саводхон бўлишади. Ҳозирги ўқув-чиларимиздан Нарғиза

Аширова, Динора Абилях-ированиннг инглиз тили бўйича билими пишқ-пух-та. Улар дунё адабиёти дурдоналари Уильям Шекспир, Марк Твен асар-ларини инглиз тилида бе-аллол ўқий олишади. Мақсуда Намозова, чет тили ўқитишнинг замона-вий услубларини пухта эгаллаган ўқитувчи. Ўқув-чиларининг муваффақияти ўқитувчининг юқори сало-ҳиятидан дарак беради. Саида РАҲМОНОВА, Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Ҳуқуқий дарсхона

Давлатимиз раҳбарининг "Хотин-қизларға муносабат жамиятимизнинг маънавий, ахлоқий етуқлигининг ўлчови бўлиб хизмат қилиши керак" деган сўзлари мағзида нафақат беҳад катта маъно, қолаверса, улкан вазифа ҳам ётибди. Аёлларимиз, айнакиса, қизларимизнинг илм-фанда, маърифат ва таълим-тарбияда фаоллик кўрсатишлари учун моддий ва маъ-

навий шарт-шароитлар яратиб бериш, уларни замонавий техника ва технологияларни ўзлаш-тиришға даъват этиш лозим бўлган бир пайт-да қизлари тақдирига бефарқ бўлган ота-она-ларни ҳам учратамиз. Тўғрирогои, вояға етма-ган қизларни турмушға узатиш ва бунинг ор-қасидан эрта туғуруқ ҳолатлари учратаётгани таъшишли ҳолдир.

Таълим муассасалари ва жа-моатчилик бунга бефарқ бўлмай, профилактик тадбир ва учрашу-влар ўтказаятир. Аммо бу масала-ға оиланиннг бефарқлигини тушу-ниб бўлмайди. Оила кодексининг 14-модда-сида никоҳ ёши эркеклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланган. Узрли сабаблар биланнида ёки алоҳида ҳолларда никоҳға киришни хоҳловчилар-нинг илтимосиға кўра жойларда-ги туман, шаҳар хокими никоҳ ёшини қўли билан бир йилға ка-майтириши мумкинлиги кўрсати-лган. Кодекснинг 51-моддасида никоҳ ёшиға етмаган шахс бил-лан тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тартиби белги-ланган. Ҳали ўзи бола бўлган, ҳатто, ўрта махсус, касб-хунар таълими-ни ҳам охиригача тугатмаган,

жумладан, Маъмурий жавоб-гарлик тўғрисидаги кодекс 47³ модда билан тўлдирилди. Унга асосан, никоҳ ёшиға етмаган шахс билан никоҳ муносабатла-риға киришганлик учун энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача жарима соли-

номланган бу моддаға асосан никоҳ ёшиға етмаган шахс би-ландан никоҳ муносабатлариға ки-ришиш аввал маъмурий жазо кўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жазоланади. Қизларға ва ота-оналарға эрта турмуш қуриш оқибатларини ту-шунтиришда маҳалла ва жамо-атчиликнинг таъсири кучли. Бироқ, уларни йиғиб, маъруза-лар қилиш билан чекланиб қол-май, ҳар бири билан индивиду-ал таразда, ҳар бирининг муам-мосини чуқур тушуниб, бирға-лашиб ечимини топиш талаб қилинади. Бу масалаларда, ал-ғабатта, руҳшунос ҳамкорлиги мумкин. Фарзанди келажак ҳақида қалта йўлган ота-она, албатта маҳалланиннг ҳамда унда яшовчи ҳурматли онахон ва ота-

хонларнинг фикриға қарши чиқа олмайдди, кўнчилик билан ҳисоб-лашишға мажбур бўлади. Маълумки, эрта турмуш қуриш ҳолатлари, эрта туғуруқлар, ёшларнинг ўз жонига қасд қилиши ўз-ўзидан ўри бермай-ди. Бунинг учун маълум сабаб-лар, тўпланиб қолган муаммо-лар бўлади. Бу сабабларни ўз вақтида ўрганиб, ижобий ҳал қилишда, ҳар бир оиланиннг жа-мият талабиға мос шаклланиши-да маҳалланиннг роли каттадир. "Маҳалланг ота-онанг" деган ма-қолда жуда катта рамзий маъно бор. Фикримизни хулосалар экан-миз, ёшлар тарбиясида, эрта турмуш қуришнинг олдини олишда оиланиннг ва маҳалла-нининг ўрни беқийослигини яна бир бор таъкидламоқчимиз. Шунинг-дек, қонун ҳужжатлариға қў-шимча ва ўзгаришларни кирит-тилгани ота-она ва улар ўрнини босувчи шахсларни ҳушёрликка ва масъулиятға ундайди, деб умид қиламиз. Раъно ТУРДИБОВЕВА, Тошдау қошидаги Қиррай академик лицейи директори, юридик фанлар номзоди.

ЭРТА ТУРМУШ ҚУРИШГА ҚАРШИ ҚОНУНИЙ ЧОРАЛАР

Соғлом рақобат

ЭНДИГИ МИЖОЗ АНОЙИ ЭМАС

Мустақиллик шарофати билан амалга оширилаётган ислохотлар шуни кўрсатмоқдаки, бозор иқтисодиёти шароитида табиий йўсинда вужда келиб, ўз-ўзини амал қиладиган рақобат таъминоти деярли барча соҳаларда ўзгаришларни тезлаштириб юборар экан. Табиий, яъни соғлом рақобат айнан мустақил юртга жуда-жуда ярашади. Усиб ривожланиш ҳам, таракқиёт ҳам бўлмайди.

Рақобатнинг энг муҳим афзаллиги шуки, товар ва хизматлар сифати табиий йўсинда кўтарилиб, нарх-наво пасайиб боради. Бунга оддий бир мисол тариқасида тиббиёт соҳасига бир назар ташлаш kifoya.

Қадимда Бўстонлик туманида қулоқ-бурун-томоқ, яъни ЛОР шифокори яқоно ягона эди. Истаимизми-йўқми, фақат шу одам-

га муурожаат қилишга мажбур бўлардик. Агар бирор сабаб билан йўсин келмай қолса, уйимизга қайтиб кетавардик.

Энди-чи? Эшимиз ўтиб, қулоқларимиз чарчапти шекилли, Газаликнинг шаҳар поликлиникасидаги қулоқ шифокорига борсам, қабулда ўзимдан бошқа ҳеч ким йўқ. Врач қулоқларимни текшириб кўради:

– Бундан буюғига бориға шўкр қилиб яшайверасиз-да, – деди жилмайиб.

– Бора-бора эшитмай қоламми? – сўрадим ташвишланиб.

– Эшиз нечада?

– Етмишдан ошдим.

– Энди, оксоқол, ҳақингиз ҳам қолмабди-ку. Хар хил ёмон гаплар, ғийбат бўхтонлардан холи бўласиз, эвазига умрингиз узаяди, – деди шифокор хандон отиб.

Тарвузим қўлтигимдан тушиб

қайтаётган эдим, бир танишим учраб қолди. Воқеани айта бошлагандим, гапимни шартта кесди:

– Сен, яхшиси, болалар поликлиникасида ишлайдиган Рустамжонга учраш, шундоим шу йигитнинг қабулига бораман.

Аммо, бу шифокор қабулига мижозлар доим тирбанд бўларкан. Кутдим. Навбатим етиб, кирдим:

– Дўхтир, эшитиш қобилиятим, нахотки, тикланмаса?

Қулоқ, бурун, томоқларимни обдон синчиқлаб текшириб чиқач, Рустамжон менга жиддий тиклиди:

– Бу гапни сизга ким айтди?

– Еш ўтинқирагач, шундай бўлса керак, деб ўзимча уйлапман-да...

– Ёмон нарсаларни уйлаверсангиз, билмадим... Аммо ишонч, яхши ният, умид билан яшасан-

гиз, эшитиш қобилиятингизни, албатта, тиклаймиз!..

Хуллас, икковлон бир бўлиб, даволанишни бошладик. Врачнинг топириқларини айтилган вақтларда мукамал адо айлаб, тайинланган кезде қабул бўлди ҳозир бўлардим. Бир ойга бормаи, қулоғим анча очилди.

Энг муҳими, жонкуяр ва тажрибали бу шифокордан ишонч деган улўғ неъматни толдим, яқиндан танишдим. Рустамнинг отаси Иброҳим Муҳаммадиев Тошкент тиббиёт институтини битирган, ўзи туғилиб ўсган Бухоро шаҳрида моҳир жарроҳ сифатида обрў-эътибор қозонган экан. Фарзандлари ҳам шифокорлик касбини танлашибди.

– Шифокорлик шарафли касб бўлиши баробарида масъулияти ҳам жуда катта ва оғир, – фар-

зандларига қайта-қайта тайинларкан ота. – Аввало ниҳоятда камтар ва ҳушмуомала бўласизлар. Хар қандай инжиқ беморга ҳам овоз кўтариш, қаттиқ гапиришга шифокорнинг ҳаққи йўқ. Қолаверса, интизом, интизом ва яна интизом. Бунга амал қилиш шарт! Шундагина ҳеч қачон кам бўлмайсиз, қўқилмайсиз. Айнакча, таъмагрилик кўчасига кириб, оқ халатларингизга қора доғ туширманглар...

Ота насихатини қулоққа жо қилган фарзандлар, хусусан тўнғич ўғил Рустам Муҳаммадиев мижозлар ишонча ва меҳрини қозониб, қадам-қадам эл ардоғига эришиб бормоқда. Зеро, мустақиллик даври одамлари анойи эмас. Буни биринчи навбатда ёшларимиз яхшилаб ўқиб олмоқлари лозим.



Асад АСИЛ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти худудий бошқармаси давлат активларини тўғридан-тўғри (оммавий офёрта) музокаралар олиб бориш йўли билан сотиш савдоларига таклиф этади.

Сотувчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти худудий бошқармаси
Сотувчининг манзили: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳқўчаси, 107-уй.
Алоқа телефонлари: (8-371) 268-23-21, 268-27-29, факс: 268-27-29.
Сотиш таклиф қилинаётган давлат активларининг номи, сони, тавсифи ва жойлашган манзили:

№	Объект номи	Объект манзили	Базасида сақловчининг номи, манзили	Объект тавсифи	Сотиш таклиф қилинаётган нархи, сўм	Энг кам инвестиция миқдори	Хусусийлаштирилган бўлмаган ҳужжат қарори
1	Дўкон бино-иншоотлари	Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, 4-кичик ноҳия, 6-уйнинг биринчи қавати	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, А. Темуր кўчаси-1	Бинонинг қурилиш ости майдони – 1430,08 кв.м. Фойдаланиш майдони – 1187,67 кв.м.	723 424 500,0 сўм	-	ПҚ-1743 25.04.2012 й.
2	Нотуражой биноси	Тошкент вилояти, Паркент тумани, Истиқбол кўчаси	Паркент тумани ҳокимлиги, Тошкент вилояти, Паркент тумани, Ичкиқўрган кўчаси, 5-уй	Ер майдони 0,262 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 253,36 кв.м.	148 172 400,0 сўм	Сотиб олиш қий-матининг 50 фоиздан кам бўлмаган миқ-дорда инвестиция киритиш, янги иш ўринларини ташкил этиш	ПҚ-1743 25.04.2012 й.
3	Нотуражой биноси	Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, "Наврўз" ҚФЙ, "Наврўз" маҳалласи	Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Янгибозор кўрғони	Ер майдони 1,03 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 1455,72 кв.м.	709 488 000,0 сўм	Энг юқори миқдорда инвестиция киритиш ва янги иш ўринларини ташкил этиш	ПҚ-1743 25.04.2012 й.

Музокаралар ўтказиш санаси, вақти ва жой: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти худудий бошқармаси биносида 2013 йил 19 июлдан кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Олди-сотди шартномаларини тузиш шартлари (сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни ўтказиш шакли, муддати ва шартлари):

- Энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш.
- Тўлов муддатини қисқа муддатларда амалга ошириш.
- Сотувчи билан 20 кун муддат ичда олди-сотди шартномасини тузиш.

Талабдорларнинг таклифларини қабул қилиш тамом бўлиши санаси ва вақти: 2013 йил 18 июль кунин соат 18.00 гача.

Тўғридан-тўғри (оммавий офёрта) музокараларда қатнашиш учун талабдор ёки унинг вакили эълонда белгиланган муддатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва нусхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома,

Учтава тумани ТСРЙ томонидан 2010 йил 26 мартда 003863 рақамли, 003863-01 реестр рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 301558332) "GANESHA TRADE" МЧЖнинг юридик шахсини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"FAYZ BARAKA QANDOLAT" хусусий корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятга айланишини ва у "FAYZ BARAKA QANDOLAT" хусусий корхонасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланишини маълум қилади.

– жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

– сотувчининг банк ҳисоб рақамига савдога қўйилган давлат активи бошлангич нарҳининг 15 фоизи миқдорда закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси;

– қуйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги оғзи ёпиштирилган конвертларга солинган талабгор таклифлари;

– сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

– инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча varaқлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Хурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдога қатнашиш учун ҳужжатларни топириш ва савдоларни ўтказиш жараёнида қонунбузарликлар ва ўз ҳуқуқларингизга поймол қилиниш ҳолатлари ёки ошкоралик таъминланмаганлиги ҳолатлари рўй берган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти худудий бошқармасининг 268-23-21 телефон рақамларига хабар қилишингиз сўралади.

1999 йилдан 138-ўрта мактаб томонидан Рахматова Наргиза Шавақтовна номига берилган O'RZ 335484 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "ORIGINAL PARTS" (ИНН 207150803), регистрланган ва ИРСП при ҳокимияте Мирзо-Улўғбекского району, г. Ташкент-та за реестровым № 007330-04 от 02.05.2012г., **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания учредителей № 5 от 05.06.2013г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, ул. Муминова, дом-9. Телефон: 262-83-22.

"KOP TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этилади!

Аукцион савдосига Сергели тумани СИБ томонидан 10.05.2013 йилдаги №38827-29/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Спутник-4-мавзеси, Назруллаев кўчаси, 51-уйда жойлашган, умумий майдони 1956,0 кв.м. иборат бўлган бир қаватли бино ва иншоот қўйилмоқда. Бошлангич нархи – 1 075 895 000 сўм.

Аукцион савдолари 2013 йилининг 12 июль кунин соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KOP TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотекса банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокда бевосита жойига чиқиб танишини мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан арива ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан арива ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш қим-онли савдоси ўтказилишига бир кун қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия № 0039

"SHAEFFOF" хусусий корхонаси-га (ИНН 200799798) тегишли бур-чақ штапми йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чиноз туманидаги 40-ўрта умум-таълим мактаби томонидан 1998 йил Қаршибаева Дилфуза Ахмадалиева номига берилган UZI 095207 рақамли 9-синфин битирганлиги тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"AGRO SANOAT MULK MARKAZI" МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этилади!

2013 йил 2 июль кунин соат 11:00 да, Тошкент шаҳри, Қўшбег кўчаси, 18-уйда, бошлангич нархи босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Республика Суд департаменти томонидан 2012 йил 5 мартдаги 1-69/12-сонли ижро varaқсига асосан хатланган, "Шарқий Мелиса" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган 1. 1984 йилда и/ч., дав. бел. 10 AZ 010 бўлган "Камаз-5320" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи – 28 129 000 сўм. 2. 1981 йилда и/ч., дав. бел. 10 BE 430 бўлган "Камаз-5311" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи – 27 574 000 сўм. 3. 1984 йилда и/ч., дав. бел. 10 BE 429 бўлган "Камаз-5511" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи – 28 223 000 сўм. 4. 1991 йилда и/ч., дав. бел. 10 BA 712 бўлган "Камаз-5320" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи – 28 752 000 сўм. 5. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 01 767 САА бўлган "Газ-2752-414" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи – 37 321 000 сўм. 6. 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 D 770 ВА бўлган "Лексус RX 350" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи – 161 834 000 сўм. 7. 2012 йил 23 июлдаги 1-185/12-сонли ижро varaқсига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч., дав. бел. 01 R 216 JA бўлган "Лексус GX470" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи – 160 507 000 сўм. 8. 2012 йил 23 июлдаги 1-185/12-сонли ижро varaқсига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 701 ААА бўлган "NISSAN ALTIMA" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи – 62 308 000 сўм. 9. Зангиота туман СИБ томонидан 2012 йил 26 мартдаги 2-29-12-сонли ижро varaқсига асосан хатланган, "Sarco Distribution" МЧЖ да сақланаётган 1. 2007 йилда и/ч., дав. бел. 10 014 КАА бўлган "ISUZU SAZ NQR 71 PL" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи – 39 158 100 сўм. 2. 2007 йилда и/ч., дав. бел. 10 016 КАА бўлган "ISUZU SAZ NQR 71 PL" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи – 39 243 600 сўм. 3. 2007 йилда и/ч., дав. бел. 10 021 КАА бўлган "ISUZU SAZ NQR 71 PL" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи – 38 414 700 сўм. 4. 2007 йилда и/ч., дав. бел. 10 024 КАА бўлган "ISUZU SAZ NQR 71 PL" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи – 39 093 300 сўм. 5. 2007 йилда и/ч., дав. бел. 10 095 ДАА бўлган "ISUZU SAZ NQR 71 PL" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи – 39 256 200 сўм. 6. 2010 йилда и/ч., дав. бел. 10 749 ЛАА бўлган "ISUZU SAZ NQR 71 PL" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи – 51 061 500 сўм. 7. Зангиота туман СИБ томонидан 2012 йил 03 августдаги 2-79/12-сонли ижро varaқсига асосан хатланган, "Кўк терак Матлубот Инвест" МЧЖ омборхонасида сақланаётган 1. 2009 йилда и/ч., дав. бел. 10 757 КАА бўлган "Эника" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи – 55 991 749 сўм. 2. 2010 йилда и/ч., дав. бел. 10 098 ОАА бўлган "Эника" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи – 54 947 112 сўм. 17. 2010 йилда и/ч., дав. бел. 10 095 ОАА бўлган "Ласетин" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи – 42 162 181 сўм.

Ушбу аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилчиласи – "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг ОАТБ "Капиталбанк" Мирзо Улўғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокда бевосита жойига чиқиб танишинлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аривалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳар кунин (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш кунин қолганда соат 16:00 да тўхтатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбег кўчаси, 18-уй. Тел.: 250-83-29. Гувоҳнома № 006388.

"Respublika Mulk markazi" ЁАЖ бошлангич баҳоси олиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этилади!

1. "Газ-5327 ГЗСА-950" русумли, д/р 11A0894, 1983 йил и/ч. Бошлангич баҳоси – 6 000 618,9 сўм. 2. "Газ-5327 ГЗСА-3702" русумли, д/р 11A0775, 1990 йил и/ч. Бошлангич баҳоси – 4 121 074,7 сўм. 3. "Газ-5327 ГЗСА-950" русумли, д/р 10/685МАА, 1985 йил и/ч. Бошлангич баҳоси – 4 029 300 сўм. 4. "Газ-5307 ГЗСА-950" русумли, д/р 10/687МАА, 1985 йил и/ч. Бошлангич баҳоси – 4 029 300 сўм. 5. "Газ-5327 ГЗСА-37211" русумли, д/р 11A0772, 1984 йил и/ч. Бошлангич баҳоси – 4 019 400 сўм. 6. "Газ-5327 ГЗСА-891" русумли, д/р 11A0909, 1990 йил и/ч. Бошлангич баҳоси – 4 134 600 сўм. 7. "Газ-5327 А-130" русумли, д/р 11A0995, 1987 йил и/ч. Бошлангич баҳоси – 4 717 800 сўм. 8. "Зил-431610" русумли, д/р 11A0364, 1988 йил и/ч. Бошлангич баҳоси – 8 605 800 сўм. 9. "Камаз-55118" русумли, д/р 10/448SAA, 1992 йил и/ч. Бошлангич баҳоси – 16 724 700 сўм. 10. "Камаз-55118" русумли, д/р 10/673МАА, 1992 йил и/ч. Бошлангич баҳоси – 15 327 900 сўм. 11. "Камаз-55118" русумли, д/р 11A0718, 1989 йил и/ч. Бошлангич баҳоси – 15 577 200 сўм. 12. "Камаз-55111" русумли, д/р 11A0862, 1990 йил и/ч. Бошлангич баҳоси – 17 141 400 сўм. 13. "Камаз-55118" русумли, д/р 11A0732, 1988 йил и/ч. Бошлангич баҳоси – 13 718 700 сўм. 14. "Уаз-4696" русумли, д/р 11A8574, 1981 йил и/ч. Бошлангич баҳоси – 3 732 300 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 2 июль кунин соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аривалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Ариваларни қабул қилишининг охириги муддати: 2013 йил 28 июнь кунин соат 18:00.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокда бевосита жойига чиқиб танишини мумкин.

Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ОАИБК "Ипак йўли банки" Сағбон ф-лидаги 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850 га тўлашлари шарт. Изоҳ: /р – давлат рақами, и/ч – ишлаб чиқарилган. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамин кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома № 006231.

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этилади!

Савдога Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан: Тошкент вилоят ҳўжалик сундини 2011 йил 28 январдаги 11-1024/27010-сонли ижро varaқсига асосан, "Қишлоқхўжаликмиё" Юқори Чирчиқ туманларо филиалида тегишли Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Ўртасарой ҚФЙ, Ўртасарой маҳалласи худудда жойлашган, умумий ер майдони 0,2826 га, қурилиш майдони 821,20 кв.м бўлган бино ва иншоотлар такроран қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси – 163 838 700 сўм.

Савдо 2013 йил 3 июль кунин соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аривалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Ариваларни қабул қилишининг охириги муддати: 2013 йил 1 июль кунин соат 18:00.

Қўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокда бевосита жойига чиқиб танишини мумкин. Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" ОАИБК Сағбон ф-лидаги 20208000904920609114, МФО 01036, СТИР 207122519 га тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамин кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.lkms.uz. Лицензия: RR-0001.

